

# ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АМИР ТЕМУР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛГАН РАЗВЕДКА ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР

Шаимов Одил Косимович

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси катта ўқитувчиси.


**Аннотация:** Мазкур мақолада Амир Темур давлатида ташқи хавфсизлигини таъминлашда разведка органлари, маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқарилиши ва керакли қарорлар қабул қилиниши, шунингдек, махфий йиғилишлар, маълумотларни сир сақлаш ҳамда душман томонни баҳолашдаги кўрсаткичлар ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Амир Темур, давлат хавфсизлиги, хавф-хатар, таҳдид, разведка органлари, қўшин, ҳарбий-сиёсий вазият, енгил отлиқ аскарлардан ташкил топган бўлинмалар, савдо-сотиқ баҳонасида пинхона иш олиб борувчи савдо қарвонлари (савдогарлар), элчилар, дарвишлар (қаландарлар), саёҳатчилар, Амир Темур томонидан махсус тайинланган амалдорлар.

Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шухрат қозонишида бош омил ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик даҳоси, ҳарбий истеъдоди ва маҳорати, жаҳон ҳарбий соҳасига қўшган улкан улуши борасида кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар, илмий ҳамда бадий асарлар мавжуд. Лекин, Амир Темур томонидан мамлакат мустақиллиги ва унинг худудий яхлитлигини таъминлашда ташқи хавфларни олдини олиш, уни ўз вақтида бартараф қилишга катта эътибор қаратишини эътироф этиш жоиздир. Бу борада Амир Темур “Темур тузуклар”да қуйидаги фикрни баён этади. “Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқинчи, минг нафар тезюрар пиёдани чопар этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, воқеа, кор-хол юз бермасидан бурун унинг чораси ва иложи қидирилсин” [1], - деб таъкидлайди.

Тарихга назар солар эканмиз, бунда турли даврларда “Жангнома” ва “Жаҳонгирнома” каби асарлар силсиласи яратилганки, уларда миллий қаҳрамонлар ва саркардаларнинг жасорати, жанг театри майдонида яккама-якка урушгани, совуқ қуроллардан фойдаланиш, жангчининг ҳимоя кийимлари, жанг майдонида жангчиларни ҳаракати, ўқотар қуролларни тайёрлаш каби ҳарбий мавзуларга доир тарихий маълумотлар келтирилган [2].

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА МАХСУС ХИЗМАТ ЛАВОЗИМЛАРИ



**Ташқи хавфсизлигини таъминлашда қўлланилган разведка воситалари.**

Мамлакатда хавфсизликни таъминлаш, хавф-хатарни олдини олиш, таҳдидларни бартараф этиш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини ва мустақиллигини таъминлаш, бошқа давлатларга тобе, яъни таъсир доирасига тушиб қолмаслик мақсад қилиб олинади.

Мамлакатни ташқи душман кучларидан ҳимоя қилиш, хавф-хатар ва таҳдидларни олдини олиш, давлат хавфсизлигини таъминлаш учун биринчи навбатда етарли душман ҳақида маълумотга эга бўлиш кераклиги, зарурати пайдо бўлди. Шу билан бирга қўшинни душманга нисбатан тўғри йўналтира олиш, ташаббусни қўлга киритиш, ҳужум қилаётган душманни қисқа муддатда янчиб ташлаш учун ўз вақтида керакли ва зарурий маълумотга эга бўлиш кераклигини Амир Темур яхши тушунган эди.

Амир Темур ўзининг тузугида “Амр қилдимки, - деб ёзади, - ҳар ерда, вилояту шаҳар ва лашкар ўрдусида кундалик воқеаларни ёзувчиларни тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўз лашкари ва ёт лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган, четга чиққан ёт кишилар, ҳар турли мамлакатлардан келган қарвонлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ҳақидаги хабарлар ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилиқ билан ёзиб турсинлар” [3]. Амир Темур давлат хавфсизлигини таъминлашда маълумот алмашинуви тизимли равишда тартибга келтириб, маълумотни олиш ва уни ўз вақтида керакли объектга узатишни ҳамда маълумотнинг мазмун-моҳиятига нисбатан қўшин жанговар шай ҳолатда бўлиши катта аҳамият касб этган.

Ташқи хавфсизликни таъминлашда разведка органлари (айғоқчилар)дан фойдаланилган. Ташқи хавфсизликни таъминлаш асосан айғоқчилик хизматига асосланган бўлиб, барча айғоқчилар дунёнинг турли мамлакатларида қуйидаги кўринишлар (бугунги кунда + разведка органлари)да фаолият юритган:

- 1) Енгил отлиқ аскарлардан ташкил топган бўлинмалар;
- 2) Савдо-сотик баҳонасида пинхона иш олиб борувчи савдо қарвонлари (савдогарлар);
- 3) Элчилар;
- 4) Дарвишлар (қаландарлар),
- 5) Саёҳатчилар;
- 6) Амир Темур томонидан махсус тайинланган амалдорлар;

Бу разведка органлари ёрдамида маълумотлар базаси, яъни **“Ягона ахборот майдони”** (бугунги кунда долзарб)ни яратди. Бу разведка органларини Амир Темур шахсан ўзи амалиётга жорий этиб, доимий равишда фаолиятини кузатиб борди.

Амир Темур ташкил этган бу разведка органларини тарихчиларнинг қуйидаги манбаларига таянган ҳолда кўриб чиқамиз:

Рус генерали Михаил Игнатъевич Иванин ўзининг “Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур ҳарбий санъати, стратегияси ва тактикаси” деб номланган асарида **“Амир Темурнинг бошқа давлатлар ҳақидаги**

маълумот тўплаш учун қўллаган воситалари” ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради.

**1) Енгил отлиқ аскарлардан ташкил топган бўлинмалар** – чегарадош давлатлар тўғрисидаги керакли маълумотларни Амир Темур минг кишилик енгил бўлинмалари воситасида тўплар эди. Бу бўлинмалар сувсиз чўл ерларида туя миниб, бошқа жойлардан эса отлиқ ва пиёда ҳолда ҳаракат қилардилар. Қўшни чегарадош давлатлар ҳақида маълумот тўплаш ниятида улар, албатта, ҳийла-найрангларни ишлатишар, қўшни давлатлар кимга ва қачон уруш бошлаш ниятлари борлигига, шу давлат ҳокимларининг мақсадларини билиб олишга ҳаракат қилар эди [4]. Мазкур бўлинмалар келтирган маълумотларга қараб, Амир Темур тегишли чора-тадбирлар кўрарди”.

Бундан ташқари Темур тузукларида “Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқинчи, минг нафар тезрар пиёдани чопар этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-хол юз бермасидан бурун унинг чораси ва иложи қидирилсин”, - деб таъкидлайди.

**2) Савдо-сотик баҳонасида пинхона иш олиб борувчи савдо карвонлари (савдогарлар)** – маълумотларга эга бўлишнинг яна бир йўли савдо муносабатлари баҳонасида ҳам тўпланиши мумкин эди. “Амир Темур савдо карвонларини Осиёнинг турли ўлкаларига, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Гуржистон (Грузия) ва ҳатто Европа давлатларига ҳам юборар эди. Карвон қайтиб келганидан кейин дарвиш кўринишида савдогарлар билан карвонга қўшилган аъёнлар йўл давомида кўрган давлатларидаги шарт-шароит, шу давлатда яшовчи халқ урф-одатлари, энг асосийси, ўша давлат ҳукмдорларининг ўз фуқароларига бўлган муносабатлари ҳақида маълумот берардилар”.

Амир Темур саёҳатчи, савдогар ва карвонбошиларга ҳомийлик қилган. Улардан лозим бўлган маълумотларни олиш учун махсус ишончли амалдорлар, маълумотларни йиғувчи (разведка бошлиғи) тайин қилиниб, улар орқали мол айирбошлаш, чет эллик саёҳатчи ва олимларнинг асл ниятлари ҳақида аниқ маълумотларни тўплашлари, айғоқчилар ёрдамида ўзга давлатлар ҳукмдорларининг Амир Темурга бўлган муносабатларини ўрганишлари, бу маълумотларни тез ва аниқ қилиб унга етказишлари лозим бўлган.

**3) Элчилар** – М.Иванин ўз асарида кейинги восита сифатида элчилар ҳақида қуйидагиларни ифодалайди. “Агар бу маълумотлар ҳам етарли бўлмаса, **элчилар** юборар, улар эса, ўз навбатида, унга керакли бўлган маълумотларни етказишлари шарт эди” [5].

**4) Дарвиш (қаландар)лар** – Амир Темур бирон бир давлат тўғрисида кўшимча маълумотларга эга бўлиш учун дарвишлардан ҳам фойдаланган. Дарвишларнинг ҳаракатлари ташқи кўринишига нисбатан ниқобланганлиги ва ҳеч ким шубҳа остига олмаслигини инобатга олинса хавфсизроқ бўлган.

**5) Саёҳатчилар** – Амир Темур разведкани олиб боришнинг яна бир кўриниши сифатида саётчилардан ҳам фойдаланган. Уларни молиявий томондан қўллаб-қувватлаб, савдогарларнинг карвонига қўшиб юборган. Савдогарлар олиб келган маълумотларга аниқлик киритиш, уларнинг маълумоти қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлиги ва маълумот олувчи сифатида чекловларнинг деярли йўқлигини инобатга олиш ва маълумотларнинг аниқроқ келтирилишига хизмат қилган.

**6) Махсус тайинланган амалдор** – Амир Темур ўз салтанатида контр разведкани бошқа мамлакатлардан келган сайёҳлардан махсус тайинланган амалдорлар ёрдамида суҳбат қуриш, савдо йўли билан ва меҳмон қилиш орқали маълумот алмашувини амалга оширган [6].

Амир Темур айғоқчиларни лавозимига қараб олтин, кумуш ва мисдан тайёрланган пайза (гувоҳнома)лар билан таъминлаган. Бу пайза (гувоҳнома) орқали маълумот ташувчининг шахси ва кимга тегишлилиги ҳамда маълумотнинг ишончлилиги аниқланган.

Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қилган ишлари ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Натижада, у (жосус)лар чор-атрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, ўзлари афзал кўрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазнлари, нарху наволари тўғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Уларнинг текис ва нотекис жойларининг суратини келтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ёки узоқ, тор ёки кенглигини, уларнинг қайси теварак-атрофда, ғарб ёки шарқдами (эканлигини), шаҳарлар ва қишлоқларнинг исmlарини, манзил ва паноҳжойлар номларини, ҳар бир жойнинг аҳлю бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию фақирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабини, шуҳрати ва насабини, уларнинг ҳунари ва (эга бўлган) воситаларини (тўла-тўқис) баён қилардилар. Натижада, Темур ўз фикри билан шу (нарса)ларни яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерларидан хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди. Мабодо у бирор шаҳарда қўниб, шу шаҳар аёнларидан бири билан суҳбатлашса, у дарҳол фалону фулон тўғрисида, фалон киши билан фалон вақти содир бўлган ҳодисанинг қай тарзда бўлганини ва ўша воқеанинг нимага бориб тақалганлигини, фалон билан фулон ўртасида низо тушганда, улар қандай иш тутганлигини суриштира бошларди. Шунда ўша суҳбатдошининг назарини шу воқеалар юз берган пайтда Темур ҳозир (бўлган) экан-да, деган фикр

қамраб оларди. Кўпинча Темур ўз суҳбатдошига чалкаш масалаларни ташлар, (уларга) ораларида бўлиб ўтган мунозаралару мукотабалар тафсилотини (ўз аслидай) ҳикоя қиларди. Улар гўё Темур ўша бўлиб ўтган воқеалардан олдиндан воқиф ёки бўлмаса, бу хабарларнинг ҳаммасини ўз олимлари орқали билади, деб тасаввур қилардилар. Шу сабабли ҳам баъзи кишилар Темурни Соларияда истиқомат қилган деб ўйласа, баъзи лофчилар хатто уни Шамийсоия фақирлари орасида кўрганлигини ҳикоя қилардилар.

### **Фойдаланилган манбалар:**

1. [1] [3] [13]. Темур тузуклари. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. Б. 139, 59, 59, 149.
2. [2]. Самаров, Р.С. Миллий ҳарбий мерос - жаҳон ҳарбий санъати тизимида: концептуал ёндашув / Р.С. Самаров, O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi Harbiy ta’lim va fanda innovatsiyalar . – 2021. № 2(11). – 6 б.
3. [4] [5] [6]. Михаил И.И. Икки буюк саркарда Мингизхон ва Амир Темур ҳарбий санъати, стратегияси ва тактикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 224, 225, 229.
4. [7]. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – 71-72 б.
5. [8] Марсель Б. Менким, Соҳибкирон – Жаҳонгир Темур. / Б. Марсель – Тошкент: Янги аср авлоди. 2018. – Б. 263, 264, 265.
6. [9] [10] [11]. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Б. 103, 104, 130, 157, 160, 161.
7. [12] [14]. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. – Тошкент: “Шарқ”, 1997. Б. 130, 134, 135.